



FARG'ONA VILOYATI O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING QARORI

Yayran shahar, Ziyorat ko'chasi, 98-uy

2021-yil 17 - fevral

139 -son

O'zbekiston I.

**Ўзбекистон тумани Қирқкетмон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида
диний-меъморий иншоотлар (хонакоҳ ва зиёратгоҳ) қурилиши учун ер
майdonи танлаш ва ажратиш тўғрисида**

Халқимизга азал-азалдан хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилаатлар ва кадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштирокини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6,10-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги Қирқкетмон (2416), Олмазор (2505), Яккатут (4402), Қудаш (5514), Қораёзбобо (4283), Сочтепа (3737), Қумбосди (3420), Товуш (5950), Давлатботир (2605), Дўнгсарой (2220), Дехқонобод (3316), Нурли келажак (3098) маҳалла фуқаролар йиғинларида жами бўлиб 43 минг 466 нафар фуқаролар истикомат қилаётганлиги ва жойлашув нуқтан-назаридан ушбу ҳудудларда диний тадбирларни ташкил этишлик учун иншоотлар йўқлиги аҳолининг диний тадбирларда иштирок этиши учун қийинчиликлар юзага келтираётганлиги сабабли Қирқкетмон маҳалла фуқаролар йиғини раёсининг ҳудудда диний-меъморий иншоотлар (хонакоҳ ва зиёратгоҳ) қурилишини сўраб қилган мурожаати ва 180 нафар ташаббускор фуқаролар томонидан имзоланган рўйхат инобатга олинсин.

2. Қирқкетмон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 440-контурдан диний меъморий иншоотлар (хонакоҳ ва зиёратгоҳ) қуриш учун танланган ер майdonи жойлашуви "Кишлоққурилишлойиха" масъулияти чекланган жамиятининг 2018 йил 29 май кунги №12/05-18/5-22-сонли баённомаси билан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон тумани Доимий ҳаракатдаги ер майdonи танлаш ва ажратиш комиссиясининг "Қирқкетмон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида

диний меъморий иншоотлар (хонакоҳ ва зиёратгоҳ) қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида”ги 2021 йил 8 феврал кунги далолатномаси тасдиқлансин.

4. Қирқкетмон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 440-контурдаги ер майдони қабристон ҳудудида жойлашганлиги сабабли балансда сакловчи туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Б.Долматовнинг берган розилик хатига мувофиқ тарзда 0,50 га ер майдони диний меъморий иншоотлар (хонакоҳ ва зиёратгоҳ) қурилиши учун ажратиб берилсин.

5. Қирқкетмон маҳалла фуқаролар йиғини раиси (Ш.Темиров)га:

- Қурилиш режалаштирилаётган объектни лойиҳалаштириш учун Ўзбекистон тумани Давлат хизматлари марказига лойиҳа олди ҳужжатларини “Архитектура-режалаштириш топшириғи” тайёрлаш учун буюртма бериш;

- Қурилиш ишларини амалга оширилишида Фарғона вилояти Қурилиш бошқармасидан белгиланган тартибда кенгаш ҳулосасини олиш;

- Қурилиш жараёнида тумanning тегишли корхоналари томонидан берилган техник шартларга тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

- Қурилиш ва ободонлаштириш ишларини тасдиқланган лойиҳа асосида бажарилишини таъминлаш;

- Танланган ҳудуд ер майдонини ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси “Экология экспертиза тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига асосан белгиланган тартибда экология экспертиза ҳулосасини олиш ва унга риоя қилиш;

- Қурилиш ишларини бошлаш учун Фарғона вилояти Қурилиш соҳасидаги нозорат инспекцияси рўйхатидан ўтиб, тегишли рухсатнома олиниши таъкидлаб ўтилсин.

6. Кадастр агентлиги туман бўлими (А.Ражабов) туман ер ҳисоботи (ер баланси)га тегишли ўзгартириш киритсин.

7. Туман Қурилиш бўлими (О.Ваҳобов)га

- Ушбу объектга лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш учун шартнома асосида ўрнатилган тартибда “Архитектура-режалаштириш топшириғи” (АРТ-I, АРТ-II) ҳужжатлари тўплами ишлаб чиқиш;

- Амалга оширилаётган қурилиш ишларини архитектура-қурилиш меъёрлари ва талаблари доирасида тасдиқланган лойиҳа, экспертиза ва ДАҚН рухсатномаси асосида олиб борилаётганлигини назорат қилиб бориш вазифаси юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини доимий назорат қилиб бориш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Сатторов ҳамда туман ҳокими ўринбосари И.Нажмиддиновларга топшириқсин.

Туман ҳокими



Ш.Юлдашев.